МУСТАҚИЛЛИКНИ ҲИМОЯ ЭТИШ, МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ИСТИҚЛОЛНИ ЭПЛАШ ҲАМ ЗАРУР

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 130 (21. 229) 1992 йил 3 июль, жума

БАҲОСИ 2 СЎМ.

Халқ депутатларининг сайъи-ҳаракатлари мустақиллиги мизни мустаҳкамлашга қаратилган.

Суратларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.

● *Кеча Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Республика Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади*

● *Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов сессияда нутқ сўзлади*

● *Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатномаси қабул қилинди*

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлар очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи— қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар—кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви—олтин рангида, ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангда, чаноқлардаги пахта—оқ рангда, лента — Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; яримой ва юлдузлар — олтин рангида тасвирланган.

(Давоми учинчи бетда).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

2 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси очилди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Ҳозир бўлганлар бевақт вафот этган халқ депутати Т. А. Ботировни бир дақиқа сукут сақлаб хотирладилар.

Мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев маъруза-си юзасидан янги сайланган халқ депутатлари — 240-Қишлоқ округидан Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Раҳмонов билан 475-Қизкеткен округидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Ж. Суюновнинг ваколатлари тасдиқланди.

Депутатлар кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳукумат ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари, республикадаги иқтисодий ва ижтимоий аҳвол тўғрисида ахборот берди.

Президент ахбороти юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Депутатлар Олий Кенгашнинг сиёсий партияларга, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Конституция комиссияси ишчи гуруҳининг раҳбари Ш. З. Ўразаев Ўзбекистон Республикаси янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш ишлари қандай бораётгани ҳақида ҳамда Конституция комиссияси таркибига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида маъруза қилди.

Депутатлар эўр кўтаринкилик ва мамнуният билан Ўзбекистон Республикасининг янги Давлат Гербини тасдиқладилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги, коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта жамғармасига, халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банкига, халқаро молия корпорациясига, сармоялар кафолатига оид кўп томонлама агентликка аъзо бўлиши ҳақидаги; монополия фаолиятини чеклаш тўғрисидаги; республикада биржа ва биржа фаолияти ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият ҳақидаги, хорижий сармоялар тўғрисидаги, банклар ва банк фаолияти ҳақидаги, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, хорижий фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳақидаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга доир қонун лойиҳалари хусусидаги масалалар юзасидан иқтисодий ислоҳот, Бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев сўзга чиқди.

Шу масалалар юзасидан қонунлар ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Депутатлар қонунни қабул қилдилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари мақоми тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Олий Кенгаш таълим тўғрисида Қонун қабул қилди. Мазкур Қонун лойиҳаси ҳақида Илм-фан, халқ таълими ва маданий меросни муҳофаза қилиш комитети раисининг ўринбосари А. Қўчқоров маъруза қилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таклифига мувофиқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг пленумига собиқ СССР Олий

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ НУТҚИ

Муҳтарам халқ депутатлари!

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон халқи озодликка эришганидан бери бир йил ҳам ўтгани йўқ. Бу — жуда қисқа давр. Биз озодликка қон тўкмасдан эришдик. Аммо бу — ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилади, дегани эмас.

Мустақилликни ҳимоя этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, истиқлолни эплаш ҳам зарур.

Мен илгари шу йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти йўлларини аниқлаб оламиз, деб гапирган эдим.

Буни қандай тушунишимиз керак?

СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ Иттифоқ қўлида эди. Собиқ Иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40—50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин бизлар йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик.

Бугун очиқ айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик.

Ўзимиздан чиқаётган маҳсулотни ўз нархида сотиб, ҳақимизни ундириб олиш ҳам мураккаб бўлиб қолди. Бошқа минтақалар ва чет давлатлар билан боғланган жуда кўп катта корхоналаримиз тўхтаб қолиши хавфи туғилди.

Бизнинг олдимизда йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Айниқса, пул-валюта топиш масаласи жуда катта муаммога айланди.

Ғоят мушкул шароитда ана шундай муаммоларни ечишга тўғри келди ва халқимизни, иқтисодимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди.

Бугун бизлар ишнинг маромини тушуниб, кам бўлса-да, тажриба орттирдик, режаларни аниқлаштириб олдик. Узлуксиз таъминот масаласи ҳал этилди. Энди 1992 йилнинг иккинчи ярми, 1993 ва кейинги йиллар таъминоти тартибга келди ва бизлар бу ҳақда бемалол ахборот беришимиз мумкин.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, Ўзбекистоннинг барча аҳолисига Мурожаатномаси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига Мурожаатномаси қабул қилинсин. Мурожаатнома матни маъқуллансин.

2. Барча сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларининг намояндалари, республиканинг барча аҳолиси Ўзбекистоннинг туб мустақиллигига эришиш йўлида кўпмиллатли жамиятимизнинг бутун кучларини бирлаштиришга даъват этилсин. Ўзини республиканинг чин фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши ҳаётининг бош мазмуни — ҳозирги пайтда шундан иборат бўлмоғи лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимлари, маъмурий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ижроия ҳокимиятининг бошқа барча тузилмалари республикада ҳамда жойларда вазиятни беқарорлаштиришга уринаётганларга нисбатан Конституцияда ва қонунларда кўзда тутилган чора-тадбирларни тўлалигича қўлласинлар.

4. Мурожаатноманинг матни барча республика, вилоят газеталарида эълон қилинсин, радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирилсин.

5. Оммавий ахборот воситалари жойлардаги камчиликларни яширмаган ҳолда Президент ва республика Ҳукумати аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш юзасидан амалга ошираётган чора-тадбирлар ҳақидаги, республиканинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида аҳолининг аксарият қисми билдирган фикрларни кўпроқ ёритсинлар. Айни пайтнинг ўзида одамлар ўртасида миллий, ижтимоий, диний низонинг авж олдирилишига йўл қўйилмасин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмалари, республиканинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистон мустақиллиги йўлида эришилган ютуқларни мустаҳкамлайдилар, ўзларининг бор кучғайратлари ва имкониятларини одамларнинг турмушини яхшилашга ҳамда давлатимизнинг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлашга сафарбар этадилар деб комил ишонч билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

(МУРОЖААТНОМА БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ УЧИНЧИ САҲИФАСИДА ТАНИШАСИЗ).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, **Мустақил Ўзбекистон** туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди.

Ташқи сиёсатда, ташқи савдода мутлақо тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кунлардан бошлаб қаерда ютқазиши мумкин, қаерда ютиши мумкин — ана шундай жиддий масалаларни ечишига тўғри келди.

Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?

Миллаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда яна қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади.

Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади. Шу билан бир қаторда мудофаа, ҳарбий хизмат масалаларини ҳам ҳал этиш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бугун Ўзбекистон — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Давлат мустақиллигимизни дунёнинг 110 мамлакати расман тан олди. Уларнинг 45 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда АҚШнинг, Олмония, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди.

Жумҳуриятимиз Хельсинки шартномасига имзо чекди ва Европага йўл очди.

Ўзбекистон Европа тараққиёт ва қайта тиклаш банкига аъзо бўлди. Халқаро валюта фондига, Дунё банкига, Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банкига аъзолик масаласи ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Ўзбекистон Эрон, Покистон, Туркия томонидан ташкил этилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га аъзо бўлиб кирди. Туркия, Хитой, Корея Республикаси, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақида битимлар тузилди. **Ўзбекистоннинг халқаро обрўси кундан-кунга ортиб бормоқда.**

Бунинг сабаблари нимада?

Биринчидан, биз дастлабки кунларданоқ мустақил равишда ташқи сиёсат юрита бошладик. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик принципларини олға сурдик. Ўзбекистон иқтисодий ва маънавий салоҳиятли буюк давлат эканини англатиб турдик ва бу ҳақиқатни амалда намоён эта бошладик.

Иккинчидан, биз ташқи сиёсатни ички сиёсат билан узвий боғлашнинг уддасидан чиқдик. Мамлакат ичкарисида осойишталикни сақлашга эришдик.

Яқинда Испания давлатининг вакили учрашувда бир гапни айтди: «Бизни Ўзбекистон билан ҳамкорликка жалб этадиган сабаблар уч та: **Биринчи сабаб** — Ўзбекистоннинг ички тартиби ва осойишталиги. **Иккинчи сабаб** — сиёсатнинг барқарорлиги ва собитлиги. **Учинчи сабаб** — камтарликдан бўлмаса ҳам айтишим керак,— Ўзбекистоннинг жиддий ва уқувли раҳбарияти».

Бу хил иқрорни бошқа давлатлардан келган сиёсатчи ва ишбилармонлардан ҳам кўп эшитдик.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Мен Президент сифатида бир нарсадан ғоят мамнунман. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ўз қадр-қимматини асрай билди. Биз айрим давлатларга ўхшаб садақага қўл чўзиб турганимиз йўқ.

Биз ўзимизни тенг тутдик ва бир билан тенг туриб гаплашишни талаб қилдик. Ўзимиз учрашган барча сиёсатчиларга ва ишбилармонларга очиқ-ойдин қилиб айтдик: **«Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, Ўзбекистоннинг бойликлари беҳисоб, Ўзбекистоннинг одамлари меҳнатсевар, Ўзбекистон билан ҳалол ҳамкорлик қилган инсонлар асло доғда қолмайдилар!»**

Биз чет эллик сиёсатчи ва иқтисодчиларни шу айтилган ҳақиқатга ишонтирдик. Бу ишонч ўз навбатида Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этишга, зарур истеъмол моллларини ва озиқ-овқатни етказиб бериш ҳақида битимлар тузишга имкон яратди.

Шундай қилиб, дунё аҳли Ўзбекистонни таний бошлади. Ўзбекистоннинг буюк иқтисодий ва маънавий имкониятларидан хабардор бўлди.

Ўзбекистонга катта эътибор берилаётганининг яна бир сабаби бор. Бу — Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасида марказий ўрин тутиши.

Минтақанинг бўлажак тақдири кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ. Ўзбекистон халқи қайси йўлни танласа, қўшнилар ҳам шу йўлдан кетиши эҳтимоли бор.

Шу нарса ўз навбатида бизнинг ҳар биримизга алоҳида масъулият юклайди.

Икки оғиз сўз Ўзбекистоннинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида тутган ўрни ҳақида. Гарчи бу Ҳамдўстлик тарқаб кетади, деб фол очиб юрганлар бўлсада, Тошкент учрашуви шу хил «башорат»ларни чиппакка чиқарди.

Тошкент ўзининг сулҳпарвар шаҳар деган тарихий номига содиқ қолди. МДҲ раҳбарларининг бу ердаги учрашуви ва учрашув якунлари Ҳамдўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилди, бинобарин, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширди.

Ҳамдўстлик давлатларидан бирининг раҳбари: «Тошкент учрашуви бўлиб ўтган барча учрашувлардан кўра самаралироқ бўлди», дегани бежиз эмас.

Тошкент учрашувидаги энг катта ютуқ — Ўзаро хавфсизлик шартномаси бўлди. Бу битимнинг асосий аҳамияти шуки, у аввало, минтақада давлатлараро мавжуд бўлган чегараларни дахлсиз сақлаш имконини беради. Кимки шунга қарши интилса ёки ҳаракат қилса, унинг танобини тортишга ҳам шароит туғдиради, тинчлик-осойишталикни сақлашга кафолат беради.

Бугунги кунда минтақамиз жанубида аҳвол анча мураккаб бўлиб турганини яхши биласизлар. Биз бу воқеалар ривожига бефарқ қараб, қўл қовуштириб ўтиролмаймиз.

Биз ўз Армиямизни тузамиз. Бу йилдан бошлаб ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар мамлакат ичкарисидаги қўшинларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу Армия Ўзбекистон халқини, Ўзбекистон мустақиллигини муҳофаза этиш қудратига эга бўлади. Халқимизнинг энг сара ўғлонларидан иборат миллий гвардия тузилади.

Ҳаммамиз ҳаёт тажрибасидан яхши биламизки, жамият ва тузум ўзини ўзи ҳимоя эта олмас экан, ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам яхши натижага эришиб бўлмайди.

Миллий хавфсизлик ҳақида. Биз бу махсус ташкилотни қайтадан туздик. Сон жиҳатидан жуда оз, лекин мустаҳкам миллий хавфсизлик бошқармаси яратилди. Унинг асосий вазифаси — давлат тузумини ҳимоя қилиш, разведка ва контрразведка.

Бир нарсани яхши англаб олайлик, азиз ватандошлар. Мустақил Ўзбекистон ўз истиқлолини, ўз озодлигини ҳимоя қилиш, турли қўпорувчи ҳаракатларга муносиб зарба бериш, минтақага қурол ва аслаҳаларни киритишга йўл қўймасликка — ҳаммасига қурбимиз ва қудратимиз етарли бўлиши зарур. Хавфсизлик хизматининг яна бир вазифаси — турли мафия гуруҳларига қарши кураш. Кейинги пайтларда миллий хавфсизлик хизмати эски КГБдан бошқа нарса эмас, деган бўҳтон гаплар тарқалиб қолди. Бунга ҳеч ажабланмаслик керак. Бу гапларни ўзидан хавфли бўлган мафия гуруҳлари ўйлаб топган. Қўрққан олдин мушт кўтарар, деган нақлни эслаш кифоя.

Янги махсус ташкилотнинг вазифасини яна бир марта таъкидлаб айтаман: **Миллий хавфсизлик.** Давлат бу ташкилот ёрдами билан ўзини ҳимоя этади.

Хавфсизлик бошқармаси зиммасига иқтисодий вазифалар ҳам юклатилади. Нотайин чет эл компаниялари билан тил бириктириш, улардан пора олиш ва халқнинг пешона тери билан топилган бойликларини чет элга арзон-гаровга сотиш деган гаплар энди кетмайди.

Республикамизда ижтимоий-сиёсий аҳвол анча барқарор бўлиб турибди. Бу — ҳаммамизнинг бахтимиз, ютуғимиз. Республикада тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришда соғлом оппозициянинг, фуқаролар тотувлиги давлат мустақиллигининг асосий гарови эканини яхши англайдиган партия ва халқ ҳаракатларининг ҳиссалари буюкдир.

Қийинчиликлар ва камчиликлар жуда кўп. Буни биз, республика раҳбарияти жуда яхши биламиз.

Иқтисодий танглик даврида низо чиқариш жуда осон. Гугурт чақилса бас — ҳўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугун, бошқа қўшниларимизнинг аҳволини кўриб, яна бир марта такрорлашга мажбурман. Сизларни, сизлар орқали **барча ватандошларимни ҳушёрликка даъват этмоқчиман.**

Фуқаролар тўқнашуви бўлаётган минтақаларда одамлар нобуд бўляпти, қон тўкиляпти, халқ хўжалиги юз миллионлаб сўм зарар кўрмоқда, мол-ҳол қаровсиз, далалар экинсиз қолиб кетмоқда. Отишмалар етмагандай, дўл, сел, зилзила каби балои офатлар ҳам халқнинг тинкасини қуритмоқда.

Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Халқнинг ярми норасида болалар бўлган давлат **бирданига бозор муносабатларига ўтиши бемаъни гап.**

Бозор иқтисодиётига ўтдик, деб эълон қилиш билан иш битмайди. Ўтиш учун, аввало, иқтисодий база керак. Бизда бозор иқтисодиёти таркиби эндигина шаклланиб бормоқда, холос. Энг аввало, иқтисодиётнинг фақат хом ашё етиштиришдек самарасиз йўналишидан қутулиш керак. Бозор муносабатига ўтиш учун одамларни шунга тайёрлаш, кўниктириш керак. 74 йил бир хил тузумда яшаб келиб, бир ёки икки йил ичида бутунлай бошқа тартибга ўтиб бўлмайди.

Шундай қилиб, биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик.

Бу йўлнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

1. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, **миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз.** Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил.

Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, ҳуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз.

Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқдан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа мазҳаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган.

Лоф туюлса ҳам айтишим керак: **бизда она замингга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган. Бу тупроқдан ҳеч ким ўз ихтиёри билан бош олиб кетган эмас. Кетишга мажбур этилганлари ҳам мана бугун яна қайтиб келишяпти.**

Халқимизнинг яна бир фазилати шуки, бизда илм ва маърифатга интилиш, устозларга эҳтиром, меҳнатсеварлик туйғулари бениҳоя юксак.

2. Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, **ислом динимизни, албатта, назарда тутишимиз керак. Негаки, дин турмуш тарзимизга, маънавий қадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган.** Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

3. Бозор муносабатлари ҳақида гап кетар экан, **Ўзбекистондаги демографик вазиятни, албатта, ҳисобга олиш зарур.** Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди. Аввал айтганимдек, аҳолининг салкам ярмини ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Ўсиш суръати жуда катта. Меҳнат ресурсларининг ўсиш даражаси ҳам шунга яраша.

Яна бир фарқли жиҳатимиз шундаки, халқимизнинг 60 ва ҳатто ундан кўпроқ фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди.

Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини совутгиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда худди шу вазиятни ҳам эътиборда тутиш керак.

4. Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат. Албатта, асосий кўпчиликни ўзбеклар ва бошқа туб халқ вакиллари ташкил этади. Аммо биз бугунги кунда тупроғимизда яшаётган юздан кўпроқ миллат ва элат вакилларини, уларнинг маданиятлари ва анъаналари ривожини ҳам ўйламасак бўлмайди.

5. Ўзбекистоннинг геополитик мавқеи ҳам жуда қулай.

Қадим карвон йўллари бизнинг еримиздан ўтган. Бизнинг кўҳна шаҳарларимизда ва бозорларимизда юзлаб лаҳжалар жаранглаган. Дунё мамлакатларининг ўзаро савдо ва маданий алоқаларида ўзбек тупроғи кўприк воситасини ўтаган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Ўрта Осиёда етакчи ўрин тутади. Унинг автоном энергетика ва сув системалари бор. Кўп жиҳатлардан минтақа республикалари ўртасида боғловчи ролини ўйнайди ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда фаолланиб бормоқда.

6. Ўзбекистонда ислоҳотлар ўтказишга мавжуд табиий иқлим шарт-шароитлари ҳам катта таъсир қилади, албатта. Республикада сув ресурслари ҳисобли. Етиштириладиган зироатлар сувни кўп талаб қилади. Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиёда, балки дунёда ҳам муҳим стратегик маҳсулот — пахта ва ундан ишланадиган маҳсулотларни экспорт қилишда етакчи ўрин тутади.

Мева-чева, сабзавот, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам чет элларга экспорт қилиш қудратига эгамиз. Тупроғимизнинг ҳар бир қаричи тилла, қунт қилган одам ҳар йили бир неча бор ҳосил кўтариши мумкин.

7. Ўзбекистон ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга.

Ер усти ва остидаги қимматбаҳо бойликларимиз юртимизнинг дунё бозорига чиқишини таъминловчи соҳаларни тубдан ўзгартириш ва ривожлантириш имконини беради.

Бошқача айтганда, биз тилланинг устида ўтирибмиз. Афсуски, собиқ марказ олиб борган сиёсат оқибатида Ўзбекистон фақат хом ашё беришдан нарига ўтмади. Ўзида бор нарсани ўзи ишлата олмади.

Ҳозирча биз рубль тазйиқида яшаяпмиз. Бошқа собиқ Совет республикалари билан хўжалик алоқаларини бирданига узиб ташлай олмаймиз.

Аслини олганда, **узиш шарт ҳам эмас.** Эндиги иқтисодий муносабатлар эскича усулда эмас, балки янгича асосда — тенглик ва ўзаро манфаат асосида амалга оширилиши шарт.

Муҳим стратегик ашёларни аввалгидек сувтекинга бериб юбормаслик керак. Умуман, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро олди-берди жараёнида янгича мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг асосий шарти —қўшнимми, олисдами, барча мамлакатлар билан иқтисодий ҳисоб-китобни халқаро нархда ташкил этиш лозим.

8. Энди бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ҳисобга олинадиган яна бир масала —**ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини олиб қарайлик.**

Шўролар даври, нақ 74 йил изсиз йўқолди, деб ўйлаганлар хато қилади. **Бу даврда шаклланган муайян қадриятлар бор.** Кишилар онгига ижтимоий тенглик тушунчаси, яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкура кириб қолган. Бундай ёндашиш кишилардаги ташаббусни бўғиб қўйди. **Ҳамма нарса — давлат мулки, деган ақида одамларнинг миясига сингдирилиб, кишилар мулкдорлик, эгалик туйғусидан бегона бўлиб қолган. Ўз меҳнат ва молига эга бўлмаган одамнинг иш деб жон куйдириши жуда қийин.** Бундай ҳолат ишчиларнинг меҳнатга интилишига, шахсий рағбатланишига, иш натижаси учун масъулиятини оширишига салбий таъсир этишини ҳаётимиздаги кўп мисолларда кўраяпмиз.

Шундай экан, бозор муносабатларига ўтишда кишиларимизнинг кайфиятини ҳисобга олиш, дастлабки кезларда ўтган даврдан қолган муайян ижобий тажрибалардан самарали фойдаланишни ҳам унутмаслигимиз керак.

Муҳтарам депутатлар!

Ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналиши ва асосий мазмуни битта — чинакам мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш.

Энг муҳим вазифа — халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ва маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади.

Одил ва оқил ҳокимият халқ кайфиятини, унинг иродасини, албатта, ҳисобга олади. Халқнинг истеъдодини, ундаги барча олижаноб хислатларни ишга солади, халқ ғайратини яратувчилик йўлига бошқаради.

Улуғ шоир ва буюк давлат арбоби Алишер Навоий ҳаётини олиб кўрайлик. Буюк бобокалонимиз халқни мадрасалар қуриш, ариқлар қазиш, хайру эҳсон қилиш каби ишлар атрофида бирлаштирган.

Бугунги кунда ҳам халқни якдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи— Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!

Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак. Сиёсий қурилма борасидаги вазифаларимиз, қисқача айтганда, қуйидагилардан иборат:

— ҳақиқий демократия қарор топар экан, унда республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилади;

— Ўзбекистон Республикаси миллий давлат қурилмасида ҳокимият учга ажратилади — қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятига. Бу принципларга амал қилмасдан туриб ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди.

Олий Кенгаш мамлакатнинг энг юксак ва ягона қонунчилик ҳамда вакиллар ҳокимияти бўлиб қолаверади.

Айни замонда, агар кучли ижрочилик ҳокимияти бўлмас экан, энг одил ва энг оқил қонунлари ва қарорлар ҳам бажарилмай, шунчаки қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу ҳол қонунларни жорий этишга, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркларини муҳофаза қилишга, **сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қодир президентлик ҳокимиятини кучайтиришни тақозо этади.**

Суд ҳокимияти — мустақил ҳокимият. Қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш — суд ҳокимиятининг олий бурчидир;

— ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун олдида тенг. Қонун жамият тинчлиги ва хавфсизлигини муҳофаза этади. Қатъий тартиб ва интизом, қонунга ҳурмат, анъаналарга ҳурмат — ҳуқуқий давлат фуқаролари учун одатий ҳол;

— Ўзбекистон ўз номи билан ўзбекларники. Асрлар мобайнида бошқаларга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий равнақ топишини таъминлаш — мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий бурчи.

Адолатли жамиятда яшамоқчи эканмиз, бошқа халқ вакилларининг манфаатларини ҳам муҳофаза этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур. Ўзимиз шунча йил зулм кўрганимиз етади. Энди бошқаларга зулм ўтказсак, отабоболаримизнинг руҳларини безовта қилган бўламиз. Шу **тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у Ватанимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ.**

Айни замонда, XX аср алғов-далғовларидан, қатағонларда озор чекиб, чет мамлакатларга мажбуран кетиб қолган биродарларимизга Ўзбекистон дарвозаларини катта очишимиз керак.

Муҳтарам депутат ўртоқлар!

Ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз.

Биздаги мавжуд партия ва ҳаракатлар ҳақиқий демократия шароитида яшаб кўрмаган. Уларнинг ҳар бири ўзини мутлақ ҳақиқат жарчиси деб билади. Тўғрисини айтсак, ўзаро ҳурмат, баҳс ва мунозара одоби етишмайди.

Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамиятга керак.

Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ фақат ютиши мумкин.

Муҳтарам халқ вакиллари!

Албатта, бу айтилган гаплар янгилик эмас. Аммо бугунги кунда бизнинг жамиятимиз ҳақиқий демократик ислоҳотлар сари илк қадамларини қўяр экан, маълум ва машҳур ҳақиқатларни қайтадан зикр этиш асло зиён қилмайди.

Демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай оппозиция жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшади.

Айни замонда мавжуд конституцияви ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар таъқиқлаб қўйилиши керак. Республика чегаралари дахлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фашизм, иқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб этувчи, демократик эркинликлар ва халқ маънавияти асосларига тажовуз этувчи ҳар қандай партия ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши шарт.

Адлия органлари ҳар бир партия ва ҳаракатни рўйхатга олар экан, эркин фаолият кўрсатишга имкон яратиб берар экан, уларнинг кейинги фаолиятларини ҳам қонун доирасида назорат қилиб боришлари керак.

Азиз дўстлар!

Олдимизда оғир муаммо бўлиб турган иқтисод тўғрисида. Айрим биродарларимиз Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ иқтисодий программаси йўқ, деган даъволар билан чиқмоқдалар. Уларга ҳисобот бериш шарт эмас. Аммо фуқароларни бугунги оғир аҳволдан олиб чиқиш учун қилаётган саъй-ҳаракатларимиздан хабардор этиш зарур.

Умуман, узоқ йилларга мўлжалланган программаларга сал шубҳа билан қараш керак. Ёдингизда бўлса, бир вақтлар 2000 йилга бориб ҳамма алоҳида уй-жойга эга бўлади, деб жар солишди. Бунинг қуруқ хомхаёл эканлиги икки-уч йилдаёқ аён бўлиб қолди.

Озиқ-овқат программаси деган гаплар чиқди. Оқибати шу бўлдики, дўкон пештахталари бўшаб қолди.

Бу хил ҳавойи дастурларнинг тагида «мендан кетгунча — эгасига етгунча» деган нарса ётибди. Эртагача ким бору ким йўқ. Бугун мен шу баланд курсида ўтирибман, халқни авраб турай, эртага — худо пошшо, деган бир гап.

Биз шу залда Ўзбекистонни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш йўлларини муҳокама этиб, янги дастурни тасдиқлаган эдик. У пайтда **СССР деган давлат бор эди, ниманки иш бўлса, СССРнинг борлиги, ўша пайтда мавжуд бўлган ўзаро иқтисодий алоқалар ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилган эди.**

Бугун СССР йўқ. Унинг ўрнида навқирон миллий давлатлар дунёга келди. **Афсуски, ўша пайтда тузилган дастурни икки қўллаб тасдиқлаган айрим биродарларимиз, бугун Каримовнинг аниқ дастури йўқ, деб жар солишдан уялишмаяпти. Менинг жавобим битта: Ўзбекистоннинг ўз дастури бор.**

Биз тузаётган янги дастурнинг эскиларидан нима фарқи бор?

Биринчидан, унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўлиқ акс этган. **Иккинчидан,** бу дастур хом хаёл гаплардан иборат эмас, балки жамият тараққиётининг устивор йўналишлари хусусида.

Хўш, бу устивор йўналишлар нималардан иборат?

1. Биз ўзимизнинг иқтисодий сиёсатимизда деҳқончиликка ва умуман қишлоқ ҳаётига **етакчи тармоқ сифатида** қараяпмиз. Бунинг сабабларини ҳам айтиб ўтдим. Аммо яна таъкидлаш керак: қишлоғимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳарга нисбатан паст экани ҳеч кимга сир эмас. **Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар, адолат юзасидан, тўқроқ ва тўкинроқ яшашлари керак эмасми?**

Қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғазиш учун, энг аввало, деҳқон (фермер) хўжаликлари сонини кескин кўпайтириш зарур. Шу мақсадда махсус Фармон ҳам чиқарилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан кўпроқ фермер хўжалиги бор. Уларга 81 минг гектар ер ажратилди.

Фермерлар ҳақидаги Фармоннинг бажарилишини Давлат назорат комитети мунтазам равишда текшириб турибди. Республика деҳқончилик-саноат банкига деҳқонларга мол сотиб олиш учун 50 минг сўмга қадар нақд пул бериш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг маошлари ҳақида. Аҳволни тушуниш керак. Бюджет ўзи учма-уч бўлиб турибди. Медицина, маориф, фан ва бошқа соҳалар борки, улар мана шу камбағал бюджет ҳисобига кун кўрадилар. Имкони бўлса эди, **биз Ўзбекистоннинг меҳнаткаш инсонлари устидан зар сочган бўлардик.**

Насиб этса, бу масала ижобий ҳал қилинади. Мана, бугунги кунда пахтанинг, пилланинг, полиз, мева ва сабзавотнинг харид нархини оширдик. Деҳқонлар **даромад ва қўшимча қиймат солиғидан** озод бўлдилар. Биргина шу солиқдан озод бўлиш ҳисобига деҳқонларнинг чўнтагида 23 миллиард сўм қолади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган кишиларнинг ўртача ойлик маошини 2 минг сўмга етказиш мақсад қилиб қўйилди ва ҳозир шунга етиб келяпмиз.

Бу йил пахтанинг 15 фоизини деҳқонлар ўзлари сотишлари мумкин. Турган гапки, режадан ташқари етиштирилган барча ҳосил ҳам келишилган нархларда сотилади.

Пилланинг 15 дан 25 фоизгача бўлган қисми келишилган нархларда сотилади. Бундан деҳқонлар қўшимча 320- миллион сўм фойда кўрадилар.

Ғалланинг харид нархи ошгани ғаллакорларга 2,7 миллиард сўм фойда келтиради. Сабзавот ва меванинг 50 фоизи деҳқонлар ихтиёрида қолади. **Улар ҳосилнинг нақд ярмини келишилган нархда сотадилар.**

Бугунги шароитда давлат харид нархларини бошқариб туришдан воз кечолмайди. Лекин, шу билан бир қаторда, давлат деҳқончилик маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари ўртасида мувозанатни сақлашни таъминлайди. Қишлоқ аҳли ўз маҳсулотларини 74 йил мобайнида сувтекинга сотиб, ўзи ниҳоят даражада қашшоқ бўлиб қолди. Бу ҳолга ортиқ чидаб бўлмайди.

Баҳоларни бошқариб турмасдан Ўзбекистон шароитида бозор муносабатларига ўтиш қийин. Деҳқончилик соҳаси билан саноат ўртасидаги тенглик маълум даражада таъмин этилса, эркин нархларга ўтиш мумкин бўлади.

2. Рубль амал қиладиган шароитда яшар эканмиз, истеъмол бозорини ҳимоя этмасдан бўлмайди. Бизда жудаям арзончилик деб айтсак, хато бўлади. **Аммо бозорларимиздаги нархни бошқа юртлар билан солиштирсак, биздаги нарх уларнинг олдида ҳолва бўлиб қолади.**

Ўзимизда бўлган маҳсулотларни ташқарига олиб чиқиб кетмасликлари учун купон ва талон системасини жорий этдик.

Бугун бу нарсани танқид қилувчилар ҳам кўп. Лекин, азиз дўстлар, ҳудди шу чоралар туфайли ўтган йилги оғир қиш ва бу йилнинг баҳоридан нисбатан осон чиққанимизни ҳам унутмаслик керак.

Чекланган нархлар бюджетга анча қимматга тушди. Аммо биз аҳоли манфаатларини олий мақсад деб билдик, гарчи четга чиқиб кетиш хавфи бўлса-да, энг керакли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон баҳода сотдик.

Моддий бойликларни олиб келиш ва чиқаришни назорат этадиган бош инспекция тузилгани ҳам маъқул бўлди. У ўзининг 7 ойлик фаолияти даврида 500 миллион сўмлик маҳсулот ва буюмларни ушлаб қолди, халқимизга қайтарди.

Мавжуд шароитда, қанчалик ҳимоя чоралари кўрилмасин, барибир, чегарани бекитиб бўлмайди. Товар деган нарса борки, бозори арзон жойдан бозори қиммат жойга чиқиб кетаверади.

Ҳозирча рубль асосий тўлов бирлиги бўлиб турибди. Пул зарб этадиган дастгоҳ Россиянинг қўлида. **Мен илгари ҳам МДҲда ҳақиқий тенглик бўлмоғи учун пул дастгоҳи ва банк тизими ҳамма давлатларга бирдек қарашли бўлиши керак, деган фикрни айтган эдим** Бугун ҳам ўша фикримда турибман.

Мабодо, бунинг иложи йўқ экан, бизлар Ўзбекистоннинг молиявий ва банк тизими мустақиллигини таъминлаш учун ўз **валютамизни жорий этишимиз шарт.** Умуман олганда, **миллий валюта давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланади.**

Маълумки, Латвия ва Эстония ўз валютасини чиқарди. Литва ўз пулини чиқариш арафасида, Украина ва Беларусда миллий валюта ўрнини босадиган купонлар тизими жорий этилди. Аҳвол шу тарзда қолаверар экан, Ўзбекистонга қадрсизланган миллиардлаб рубль кириб келиш хавфи бор.

Яна бир сабаб шуки, бугунги кунда кишиларга маош тўлаш учун нақд пул етишмаяпти. Металл тангалар умуман муомаладан чиқиб кетди. Россия банки миллиардлаб сўм пул зарб этгани билан ўзига ҳам етказиб беролмаяпти. Пул кўп зарб этилган сайин унинг қадри ҳам тушиб кетмоқда.

Шуларни ҳисобга олсак, миллий валютани чиқариш шарт бўлиб қолмоқда. Биз бу борада анча-мунча тайёргарлик қилиб қўйганмиз. Миллий пулни зарб этиш қийин эмас. Бу нарсанинг техник имкониятлари мавжуд. **Асосий мақсад — бу пулнинг қиймати ва қадрини таъмин этишдан иборат.** Энг аввало, товарлар ва маҳсулотларни мўл-кўл қилиб, бу янги пулнинг ички бозордаги кучини таъминлаш керак. Ички бозорда кучли бўлган пулни ташқи алоқаларда ҳам кучли тўлов воситасига айлантириш имконини анча енгиллашади.

3. Бозор инфраструктурасини шакллантириш, аввало, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш ҳамда савдо соҳасидан бошланиб, аста-секин банкларни, биржаларни, аудиторлик фирмалари, суғурта компанияларини ҳам қамраб олади.

Мулкчиликнинг барча шакларига эрк берилади, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка кенг йўл очилади. Айни замонда лоқайдлик, танбаллик каби иллатлар барҳам топади. Бир сўз билан айтганда, ишлаган одам хор бўлмайди.

Бугунги кунда биз кўриб турган кўпч

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Маълумки, бизда ҳозирга қадар тармоқ вазирликлари маҳсулотга ягона ҳоким эди. Эндиликда вазирликлар тугатилиб, уларнинг ўрнида концернлар ва уюшмалар тузилмоқда. Натижада давлатнинг хўжалик ишларига бевосита аралашуви камаяди, корхона ва ташкилотларнинг эркинлик даражаси кенгаяди.

Ҳурматли депутатлар!

Бозор муносабатларига ўтиш — кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, энг аввало, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин.

Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган.

— Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларнмиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Ўзбекистон мустақиллик сари йўл олар экан, дастлабки кунларданоқ ўтмишдаги маданияти ва қадриятларни тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг муборак номларини юзага чиқариш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик.

Динга, диний ташкилотларга кенг йўл очиб берилди. Буюк ҳажга илгари нари борса беш-олти киши борарди. Энди ҳар йили минглаб одамлар муқаддас жойларга эмин-эркин зиёратга боришяпти.

Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини таъкидлаб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади.

Айни замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани **такрор ва такрор уқтирмоқчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар худога ҳам ёқмайди.** Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, **бандасининг устидан бандаси эмас, худонинг ўзи ҳукм чиқаради.** Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир, деб талашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин. Кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганнинг ўзи ажрим қилиб беради.

Дин пешволарига яна бир илтимосимиз бор. **Уламолар сафига турли бақироқлар, куни кеча партбилетни кўтариб райкомга югурган, бугун саллани қийшиқ ўраб мачитга йўрғалаган бебурд кимсалар адашиб кириб қолмасин.** Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирмайди. **Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг.**

Азиз ватандошлар!

Қайси жамиятда маънавий бойликлар қадрли экан, ўша жамият аъзолари ижтимоий тарафдан кўпроқ кафолатга эга бўлади. Биз кейинги пайтларда кўпроқ иқтисод ҳақида баҳслашиб, маданиятни, адабиёт ва санъатни унутиб қўймадикми, деган таъналар ҳам эшитилмоқда. Йўқ, биз маданият аҳлини унутганимиз йўқ. Уларга ҳам қўлдан келганича ёрдам қиляпмиз. Аммо булар ҳали оз эканини яхши биламиз.

Медицина соҳасида; таълим-тарбия соҳасида ишлаётган инсонларни озгина рағбатлантиришга эришдик. Аммо, такрор айтаман, булар ҳали кам. Бугун яқин ўтмишни сурункасига қоралаб гапириш расм бўлиб қолди, лекин ўтмишда таркиб топган айрим ижтимоий кафолат шакллари ҳам борки, булардан воз кечиб бўлмайди.

Фан, маориф, медицина соҳалари ҳақида гапирар эканмиз, уларда эришган ютуқларимизни ҳам эслаш жоиз деб ўйлайман. Биз-да ташкил топган маориф ва фан тизими, гапнинг рости, бозор иқтисодига неча ўн йиллаб олдин ўтган мамлакатларда ҳам йўқ. Булар — бизнинг бахтимиз, бойлигимиз. Мақсад — барпо этилган мукаммал тизимни йўқотмаслик, уни миллий мустақиллик асосида қайтадан ташкил этиш ва янги миллий мазмун билан бойитишдир.

* * *

Азиз дўстлар!

Сизларни халқ сайлаган. Сизлар бу ерда халқнинг хоҳиш ва истакларини, халқ иродасини ифода этасизлар.

Депутатлар ҳар гал бу муҳташам залга йиғилган пайтда халқимиз биздан яхшилик ва енгиллик кутади. «Ишониб сайлаган депутатлар ва Президентимиз бугунги иқтисодий танглик пайтида бирор янгилик қиладиларми, турмушимиз оз бўлса-да ўзгарадими», деб умидвор бўладилар.

Бу йил нон ва бошқа егулик ҳақида ташвишланмасак ҳам бўлади. Энди кўпроқ иқтисодий тараққиётнинг долзарб мавзулари хусусида гапириш фурсати етди.

Республикада сиёсий-ижтимоий аҳвол барқарор бўлиб тургани сабабли бизлар чет давлатлар билан, хорижий банклар, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, алоқаларни янги босқичга кўтаришга муваффақ бўлдик.

Қардош Туркия Жумҳурияти бизга 595 миллион доллар кредит ажратди. Бу пулга бир неча миллион тонна буғдой, кўп миқдорда шакар, дори-дармон, медицина асбоб-ускуналари сотиб олинмоқда. Кредитнинг бир қисми инвестиция шаклида ишлатилади. 595 миллион доллар, бу — ҳал этилган ва ишга тушган маблағ. Бундан ташқари Туркия бизга яна 1 миллиард доллардан кўпроқ кредит ажратмоқчи.

Испания 1 миллиард доллар, Англия 700 миллион доллар, Германия 500 миллион доллар кредит ажратди.

* * *

Азиз дўстлар!

Сармоя оламида бировнинг юзи ёки кўзи яхши деб қарз бериш расм эмас, буни сизлар тушунасизлар. Чет эл кредиторлари Ўзбекистонга ишонса бўладиган, пайти келганда қарзни тўлашга қодир бўлган кучли шерик деб қарамоқдалар.

Иқтисодимиз оғир бўлиб турган пайтларда бу кредитлар бизга сув билан ҳаводек зарур. Иншооллоҳ, ажратилган қарзга халқимизга керакли моллар, егулик, дори-дармонлар харид қилиб, қолган катта қисмига энг илғор технологиялар келтирамиз.

Ўзбекистоннинг кредит олишга ва уни ўз вақтида тўлашга қурби етади. Ўзбекистонда ур-йиқитлар йўқ, фуқаролар ўзаро муросада яшамоқдалар. Бу ҳол, кўриб турибсизки, чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга жуда яхши кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Агар тинч ва осойишта меҳнат қилсак, мавжуд бойликларимиздан оқилона фойдаласак, шубҳа йўқки, Ўзбекистон тез орада танглиқдан чиқиб олади.

Бунинг асосий гарови — ички сиёсий барқарорлик ва халқимизнинг меҳнатсеварлигидир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Хабарингиз бор, яқинда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор чиқди.

Бундан мақсад нима?

Авваламбор, бу улуғ зотнинг ўттиз йилдан кўпроқ Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматини улуғлаш, номини авлодлар учун тиклашдир. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деган бўҳтонлар билан халқимизнинг пок номига доғ туширган, элни, мамлакатни ҳақорат қилган, «ўғрилар», «порахўрлар» деган айбларни бутунлай фош қилиб, адолатни бугунги ва келажак ҳаёт учун тиклаш, тарихда сақлаш;

Иккинчидан, ўз яқинларини, халқини, мамлакатини сотган ялоқхўрларга тўғри баҳо бериш;

Учинчидан, бугун мустақилликка эришган пайтимизда ўз халқимизни, Ватанимизни бегоналар ҳукмига ташлаб қўймаймиз, одамларимизнинг тақдири оқибатига ўзимиз жавобгармиз, деган ҳақиқатни янада яхшироқ англаш;

Тўртинчидан, ўша оғир қатағон йилларида ҳам қаддини букмаган, муттаҳам туҳматчиларга бош эгмаган, ўзининг ва халқининг шаънини қаттиқ туриб ҳимоя этган кишиларга миннатдорлик билдириш;

Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди. Уни фариштa эди, деб кўкларга кўтариш адолатдан бўлмас. Лекин лаънатлаб, ер билан битта қилиб юбориш ҳам мусулмончиликдан эмас. Тинч ётганни гўридан олиб, руҳини чирқиратган нобакорларнинг айбу хатоларини тузатиб, энди шу одамнинг ҳурматини жойига қўйилик.

Ва, ниҳоят, бу дунёда адолат борлигига ёшларимизни ишонтириш.

Шу билан бир қаторда бу тадбирлар Шароф Рашидовнинг шахсига сиғинишга айланиб кетмасин. **Баъзилар Рашидовнинг оқланган номидан ўзларининг шахсий ва сиёсий мақсадларида фойдаланишларига ҳам йўл қўймаслик керак.** Юбилей тадбирлари ортиқча шовшувсиз, раҳматли Шароф аканинг ўзига ўхшаш камтарона ўтгани маъқул.

Ўтмишда яшаган инсонларнинг ҳурматини бажо этар эканмиз, бугунги кунда яшаб, мустақиллигимиз учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун курашиб келаётган фидойи инсонларимизни асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон келажагини яратаётган серғайрат ёшларимизни бошимизга кўтаришимиз лозим.

Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Улар деҳқонлар орасида ҳам, ишчилар орасида ҳам, зиёлилар орасида ҳам жуда кўплаб учрайди. Бундай инсонлар бақириқ-чақириқ, қуруқ даъватлар билан эмас, балки ҳақиқий бунёдкорлик билан машғул.

Янги тарихимиз ижодкорларини ҳар қанча дуо қилсак, уларнинг номларини ҳар қанча улуғласак арзийди.

Сўзимнинг якунида мустақиллик йўлидаги кураш ва меҳнатингиз учун сиз, халқ вакилларига, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқига самимий миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон келажаги ва равнақи йўлидаги барча ишларимизга Худо ўзи мададкор бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

1) қуйидаги биноларда:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши биносида;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида;

г) Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг биноларида;

д) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа идораларнинг биноларида;

е) Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судлари биноларида;

ж) Ўзбекистон Республикаси Прокуратура идораларининг биноларида;

з) Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган биноларида, судлар ва ҳакамлик судлари суд мажлислари ўтказаётган хоналарда, шунингдек туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, унинг Раёсати комитетлари, комиссиялари ва Республика Олий Кенгашининг Котибияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат комитетларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа идораларнинг, Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судларининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат комитети, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг, давлат нотариал контораларининг, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан муҳрлар ва бланкаларда гербнинг тасвирини туширишга ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва бланкаларида;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида;

5) Ўзбекистон Республикасининг пул бирликларида, қимматли қоғозларида, облигацияларида, почта маркаларида, пул-буюм лотереяси билетларида;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатия ва ўзга чет эл паспортларида;

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад устуларида ўрнатиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг бўртма тасвиридан Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мажлис залларида, судлар ва ҳакамлик судлари — суд ўтказиладиган мажлис залларида, фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари — туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини акс эттириш мажбурий бўлган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва оқ-қора тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвиридан фойдаланиш ҳуқуқи берилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

7-модда. Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиш маҳаллий давлат идоралари зиммасига юклатилади.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТЎҒРИСДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган кундан бошлаб амалга киритилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, аввалги Давлат герби 1993 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикасининг янги Давлат гербига алмаштирилиши шарт. Ана шу давр ичида аввалги Давлат гербидан фойдаланишга йўл қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига:

1992 йил 15 августгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат гербини тасвири туширилган муҳрлар, ҳужжатларнинг бланкаларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва йўқотиб ташлаш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштириш топширилсин.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1981 йил 30 июлдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1981 йил, № 22, 444-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1981 йил 27 ноябрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1981 йил, № 33, 648-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган печатлардан ва ҳужжатларнинг бланкаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги 1981 йил 30 июль Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1981 йил, № 22, 447-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган печатлардан ва ҳужжатларнинг бланкаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақидаги 1981 йил 27 ноябрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1981 йил, № 33, 650-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ,

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 2 июль.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Судининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган фуқаролари хусусида чиқарган ҳукмларини, шунингдек республика Олий Судининг 1985—1989 йилларда чиқарган ҳукмларини қайта кўриб чиқиш ваколатини берди.

Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари комитетининг раиси В. Р. Ниёзматов депутатлар ҳузурида мудофаа тўғрисидаги; республиканинг Қуролли Кучлари ҳақидаги; умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги; ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш ҳақидаги; муқобил (меҳнат) хизмат тўғрисидаги; ҳарбий қасамёд ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари хусусида маъруза қилди.

Республика мудофаа ишлари вазири Р. У. Аҳмедов қўшимча маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатлари А. Н. Мансуров, К. Т. Турсунов, З. З. Нуриддинов сўзга чиқдилар.

Олий Кенгаш С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ)нинг Ўзбекистон Республикаси халқ депутати ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги илтимосини унинг шахсий аризасига мувофиқ қаноатлантирди.

Олий Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, ЖАМОАТ ҲАРАКАТЛАРИ ВА УЮШМАЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Ҳурматли биродарлар, қадрли опа-сингиллар!

Кўп миллатли республикамиз ўз мустақиллигининг бир йиллигини тантанали суратда нишонлайдиган дамлар яқинлашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Оврўпода Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг, бошқа бир қанча нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини жаҳондаги 110 мамлакат расмий равишда тан олди, улардан қирққа яқини биз билан дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳаммамиз учун оғир даврда Президент, Олий Кенгаш ва ҳукумат томонидан аҳолини, хусусан, унинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қатъий чоралари кўрилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, мустақиллик йўлида республикада амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни халқимиз тўла-тўкис маъқулламоқда. Демократик йўл билан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти биринчи умумхалқ сайлови натижалари, мустақиллик тўғрисидаги референдумнинг якунлари бунинг салмоқли далилидир. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш юзасидан кўрилаётган чораларни аҳоли қўллаб-қувватлаётгани ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Шунга қарамай, республикамиздаги ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни эътиборга олган ҳолда, айрим шахслар ва гуруҳлар объектив қийинчиликлардан фойдаланиб, жамиятимизнинг тинчлигини бузишга қаратилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётганини очиқ айтишимиз керак. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг мустақил давлат бўлган кўпгина республикаларда рўй бераётган фожиавий воқеалар эса, турли ижтимоий ва сиёсий кучлар ўз манфаатини кўзлаб жамиятни парчалаши, миллий ва диний заминда ҳис-ҳаяжонни сунъий равишда жунбушга келтириши ва кескинлаштириши нақадар хатарли эканини ва бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини яққол кўрсатиб турибди.

Айни шунинг учун ҳам биз, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари айрим бошқа республикаларда кўп вақтдан бери содир бўлаётган сиёсий жиққамушликлар туфайли ҳеч айби бўлмаган кишиларнинг, айниқса, қариялар, болалар ва аёлларнинг қони тўкилаётгани муносабати билан, бундай нохуш воқеаларга Ўзбекистонимизда йўл қўймаслик мақсадида сизларга мурожаат этишни бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Гуржистон, Жанубий Осетия ва Молдовада, айниқса, Тоғли Қорабоғ чегарасида минглаб бегуноҳ одамлар ўлдирилгани, ўн минглаб кишилар мажруҳ бўлгани, юз минглаб кишилар эса бошпанасиз қолгани тўғрисидаги хабарлар одамларнинг юрагини ларзага солмоқда.

Буларнинг ҳаммаси инсонийлик қоидаларига зид бўлиб, бутун-бутун халқларга бениҳоя қайғу ва кулфат келтирмоқда, одамлар қалбида ўз келажаги, жигарбандларининг ҳаёти ва сиҳат-саломатлиги учун, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, демократик ўзгаришлар тақдири учун катта ташвиш уйғотмоқда.

Ён қўшнимиз — қардош Тожикистон халқи орасига нифоқ солингани, жамият парчаланиб, кеча ёру биродар бўлганлар бир-бирига қурол кўтаргани бизни, айниқса, ташвишлантирмоқда. Бу ердаги тўқнашувлар натижасида юзлаб одам ҳалок бўлди ва жароҳатланди, республикадан чиқиб кетиш ҳаракатига тушиб қолганлар сони ҳийла кўпайди.

Ана шулар ҳақида сўз очилган экан, айтиш жоизки, биз бошқа мустақил давлатларнинг ички ишларига бирон-бир тарзда аралашиш ниятида эмасмиз. Қолаверса, юқорида айтиб ўтилган воқеалардан жаҳон ҳамжамияти тўла хабардор. Бизнинг мақсадимиз — мустақилликни қарор топтиришнинг мураккаб ва оғир даврида одамлар орасидаги адоват ва қарама-қаршилик, ҳокимиятнинг бунга жавобан фаолиятсизлиги, лоқайдлиги халқнинг бошига бало бўлишини яна бир бор эслатиб ўтишдан иборатдир. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий нотинчлик мустақилликнинг асоси бўлмиш иқтисодиётни ривожлантиришда хўжасизликни келтириб чиқаришини ва бу ҳолат мустақиллик ғоясининг ўзини ўнглаб бўлмас даражада зарба беришини, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш иқтисодиётга боғлиқлигини ҳам унутмаслик керак. Тартиб-интизом бўлмаган, масъулиятсизлик ва ўзаро жанжал авжига чиққан бир шароитда эса қайси мамлакатнинг иқтисодиёти, қайси ишлаб чиқариш тармоғи қониқарли ривожланади, ижобий натижаларга эришса олади? Кўп республикаларда айнан шу туфайли ишлаб чиқариш ҳажми камайди, аҳолининг ҳаёт кечириши кескин қийинлашди.

Табиийки, буларнинг бари бизнинг республикамиз аҳолисини ҳам истеъмол моллари билан таъминлашга ва корхоналаримиз ишига ўта салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки, халқ истеъмоли молларининг ярмидан кўпи, ёғоч-тахта, кўмир, суюқ ёқилги, металл, бошқа материаллар ва бутлаш маҳсулотларининг деярли асосий қисми четдан харид қилиб олинади.

Бозор муносабатларига ўтилиши оқибатида кўпдан-кўп хўжалик алоқалари узилгани сабабли одамлар турмуш даражасининг ҳеч бўлмаса эришилган поғонасини сақлаб қолиш тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги даврда мавжуд объектив қийинчиликларни нисбатан қисқа муддат ичида бартараф этиб бўлмаслиги тушунарлидир. Аммо, айрим кучлар ана шу вазиятдан нопок ниятда фойдаланиб, одамларда норозилик қўзғатишга, шу аснода парокандалик, ғаламислик кайфиятларини авж олдиришга уринмоқдалар. 22 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистонда демократия тўлқинида ҳар хил, шу жумладан бузғунчи кучлар ҳам пайдо бўлгани маълум. Ўзларининг ғаразли манфаатлари учун ҳамма нарсага тайёр ва иғвогарона режалар тузиб юрган кишилар сони ўн мингга боради деб тахмин қилсак, улар вояга етган аҳоли бир фоизининг ўндан бир қисмини ҳам ташкил этмайди. Шунга қарамай, бундай кимсаларнинг салбий таъсирига вақтида баҳо бермаслик хато бўлади.

Демократия ва ошкоралик шиорларини ғаразли мақсадларда рўкач қилиб, ҳуқуқ ва тартибни менсимасликни, масъулиятсизликни тарғиб қилаётган, Конституцияга хилоф ва ғайриқонуний ҳаракатлар уюштирмоқчи бўлган кишиларга вақтида муносиб зарба бериш зарур. Аслини олганда, айни шундай одамлар ҳуқуқий демократик жамият қурилишига қаршидирлар, ўзларининг масъулиятсиз баёнотлари ва хатти-ҳаракатлари билан демократия тушунчасига доғ тушрадилар. Дарҳақиқат, бутун халқ томонидан сайланган Олий Кенгашни тарқатиб юбориш тўғрисидаги, қонуний йўл билан сайлаб қўйилган ҳокимият идораларини мажбуран ишдан четлатиш ҳақидаги ғайриконституциявий талабларнинг демократия ғояларига нима даҳли бор?! Баъзи республикаларда парламент ва ҳукуматни куч ишлатиб ағдариб ташлангани демократия билан боғлашнинг ўзи ҳақиқий демократлар учун ачиннарли ҳол эмасми?!

Демократия, бу — ҳуқуқий мамлакатларда, маърифатли дунёда қабул қилинган тушунчага биноан, энг аввало, қонунларнинг устиворлиги, уларга барча беистисно риоя этиши, қонун талабларини бузган ҳар қандай киши қатъий жавобгарликка тортилиши демакдир. Фақат шундай бўлгандагина фуқароларнинг шахсий эркинлиги ва хавфсизлиги ишончли тарзда таъминланиши, давлатнинг манфаатлари ҳимоя этилиши мумкин, шундагина ҳуқуқий демократик давлат тўғрисида гапирса бўлади. Бундай давлатда халқ сайлаган республика Президенти ва парламентдан бўлак ҳеч ким ва ҳеч бир ташкилот халқ номидан гапиришга ҳақли эмас. Демак, бизда барқарорликни издан чиқарувчи кучларга қаршилик кўрсатишнинг бош омили — республикада қабул қилинган қонунларни тинимсиз ва собитқадамлик билан жорий этишдан, барча минтақаларда ва районларда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга кенг жамоатчиликни жалб этишдан иборатдир. Албатта, аввало, миллатидан ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқини ва эркинлигини таъминлаш зарур.

Эндиликда бизнинг истиқболимиз ўзимизгагина боғлиқ. Ҳеч нарса ўз-ўзидан яратилмайди, ҳар куни ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмас эканмиз, четдан келадиган ҳар қанақа ёрдам ҳам бизга чинакам мустақилликни бермайди.

Буни теран тушунган меҳнаткашларимиз, ҳурматли оқсоқолларимиз, мустақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ёшларимиз одамларнинг эҳтиёжларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ялтироқ шиорлар ва сафсатаомуз чақириқларнинг туб мақсади нима эканини биладилар ва жамиятимизда жанжалу тартибсизликлар келиб чиқишига асло йўл қўймайдилар, деб ишонамиз.

Биз барча сиёсий партияларга, жамоат ҳаракатлари ва уюшмаларига, мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросига мурожаат этамиз: жамиятни қийинчиликлардан олиб чиқишнинг ягона йўли унинг барча соғлом кучларини жипслаштиришдир. Бу — тарихдан яхши маълум. Бугунги мураккаб ва зиддиятли даврда республика тақдири учун юксак масъулият кўрсатингиз, ижтимоий-сиёсий кучларнинг якдиллиги зарурлигини теран ҳис этингиз. Энг муҳими — бошлаб юборилган демократик ўзгаришларни биринчи ўринда халқ манфаатини кўзлаб амалга ошириш, барчамиз бу масалага нисбатан ўз фуқаролик муносабатимизни қатъий билдиришимиздир. Жонажон ва севимли Ўзбекистонимизда тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаро виждонан иштирок этсин.

Биз ижроия ҳокимиятининг барча идораларига, энг аввало, республика Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимларига, ҳуқуқ-тартибот ва маъмурий идораларнинг ходимларига мурожаат этиб, ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқарувчи ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш учун Конституцияда ва қонунларда белгиланган чораларни ҳокимиятнинг бор кучи билан амалга оширишни қатъий талаб қиламиз. Бу хилдаги ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчилари ва уларнинг гумаштадари, шунингдек, уларга нисбатан лоқайдлик қилган ва ўзининг қонуний ҳуқуқидан фойдаланмаган мансабдор шахслар белгиланган тарзда жавобгарликка тортилишлари лозим.

Ҳурматли ватандошлар! Республикада ички ва ташқи сиёсат вазминлик билан амалга оширилаётгани, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига катта эътибор бериб келиниши, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва энг муҳими, халқимизнинг донолиги ва онглилиги туфайли ҳозирги мураккаб даврда Ўзбекистонимизни алғов-далғовлардан сақлаб қолишга, қисқа вақт ичида унинг халқаро обрў-эътиборини кўзга кўринарли даражада оширишга, мўътадил меҳнат маромини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш, одамларимиз турмушини изчил яхшилаб бориш учун кўпмиллатли жамиятимизнинг ҳамжиҳатлигини янада кучайтириш, давлатимиз мустақиллиги йўлида бор куч ва имкониятларимиздан тўла-тўкис, оқилона фойдаланиш барчамизнинг долзарб вазифамиздир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ.

Зоҳиджон ОБИДОВ

АРСЛОННИНГ БЕЗАВОЛ РУҲИ

Баъзилар зап нутқ
айтдилар
Қабринг узра камтар эгиб
бош.
Сўнг қасамдан тезда
қайтдилар
Ва минбардан ёғдирдилар
тош.
Эҳ, кўрсайдинг бу
жамоатни,
Юз синдириб виждони
пучлар,
Сендан кўрган ҳимматдан
кечди,
Шон-шуҳратга, аламга
ўчлар.
Одамсифат ниқобни ечди.
Эҳ кўрсайдинг бу
турк-тароватни.
Юртни босди қора
булутлар
Дашном эди худди дўл,
чақмоқ,
Удумларга қўйилди ўтлар,
Жанозалар ахтарди овлоқ
Эҳ, кўрсайдинг бу
аросатни.
Бош кўтарди аламзадалар,
Заҳри олуд кўзиқоринлай
Ҳурар бўлди ойга олапар
Қадриятни топтаб пайдар-
пай.
Эҳ кўрсайдинг бу
қабоҳатни.
Шунда абжир, қув
устомонлар
Енг шимариб ишга
тушдилар
Фитна-фужур қутирган
онлар
Бир хатога ўнни қўшдилар.
Эҳ, кўрсайдинг бу
ризолатни.
Фариштада бўлмайди
нуқсон
Фариштамас эдинг-ку сен
ҳам.
Хато қилур ҳар қандай
инсон,
Буни яхши билар ҳар одам
Ким тан олмас бу
ҳақиқатни.
Тарозида хато ва савоб
Босиб кетмиш савоб
томони
Мудҳиш дамлар сўнди
нақ сароб
Келиб ошкоралик замони.
Эҳ, кўрсайдинг танти
омадни.
Кунни узоқ тўсолмас булут,
Тўс-тўс этар тоза саболар.
Эзгуликлар бўлмагай, унут.
Мавжуд экан меҳру
вафолар.
Эҳ, кўрсайдинг бу
саховатни.
Давронни тарк этса ҳам
жисминг,
Қадринг қолмиш эди
дилларда.
Учраса ҳам таъқибга
исминг,
Ёдинг омон эди элларда.
Эҳ, кўрсайдинг бу
оқибатни.
Ахир, кўр ҳам кўриб
турибди
Тошкент надир, надир
воҳалар.
Азминг кўз-кўз бўлиб
турибди.
Буни одил тарих
баҳолар.
Ким ҳам билмас бу
шарофатни.
Ўзни одил, пок деб
билганлар
Қолдирмишлар айтинг
нима ҳам!!
Юртга ўша катта
бўлганлар
Эсдалиги бўлди талон ғам
Эҳ, кўрсайдинг бу
ўша ғоратни
— Ур! — деса биз
урмоққа моҳир,
Қозиқ қилиб қоқиб
ташлаймиз.
Сўнг қутқармоқ кўриниб
оғир,
Зимдан ёниб, бошни
қашлаймиз.
Эҳ, кўрсайдинг бу
жаҳолатни.
— Кўтар! — деса, кўтариб
дарров
Чиқаргаймиз осмон-фалакка.
Номин этиб бўй етмас
ялов,
Ўтажакмиз сажда
этмакка
Эҳ, кўрсайдинг бу
тариқатни.
Ҳар жабҳада жоиздир
меъёр,
Ўпкамизни боссак
нетаркин.
Не тарихлар қилинди
бекор
Қачон ҳовлиқмалик
битаркин
Эҳ, кўрсайдинг бу
ғўр одатни.
Чуви чиққан сотқин
Мана энди эларо
бадном
Ўз халқига чиндан
содиқлар
Қадри қайта топди
эътибор.
Эҳ, кўрсайдинг бу
қадриятни.
Арвоҳ урди феъли
шумларни,
Омад тугаб, юртда
шарманда.
Қумсаб ўша танқис
зумларни
Умрлари ўтгай армонда.
Эҳ, кўрсайдинг бу
маломатни.
Одамсифат ниқоб кийиб
боз
Даврa кўзлар шум тулки,
бўри
Авроқлари иблисларга ҳос
Чунки улар шайтонга чўри.
Эҳ, кўрсайдинг бу
қиёфатни.
Мушкул дамда мум
тишлаганлар
Тили чиқиб, букун
сўзамол
Зимдан қадринг
қиртишлаганлар
Сени ёқлаб, қилмоқ бўлар
лол.
Эҳ, кўрсайдинг бу
сиёсатни.
Арслоннинг руҳи
барҳаёт
Юзи ёруғ бўлиб
юрибди.
Туҳматчилар бўлишиб
барбод,
Юзи чориғ бўлиб
юрибди.
Эҳ, кўрсайдинг ажиб
ҳолатни,
Мушкул зоти йўлбарсга
мосмас,
Турқи монанд келса ҳам
чунон
Улик шернинг ўрнин
босолмас
Чиранган қув сонмингга
сичқон
Ким фаҳм этмас бу
ишоратни.
Ёлғон, бўхтон умри қисқа
деб,
Машойихлар айтган экан
рост.
Ким яшаса юртнинг
ғамин еб,
Эл доимо этаркан
эъзоз
Ва туҳматдан айларкан
халос
Эҳ, кўрсайдинг бу
илтифотни.

ОИЛА ЧИРОҒИ

● Биз эркаклар аёл зотига қанча қайишсак, шунча оз деб ўйлайман. Чунки аёлнинг иши оғир. У эрталаб ҳаммадан олдин туради. Нонушта тайёрлайди, болаларни биринкетин боғчага-мактабга жўнатади. Ўзи эса чойини ичсаичиб, ичмаса йўқ ишга шошилади. Ишдан қайтгач, яна ўша уй-рўзғор, бола-чақа ташвиши. Бундоқ қараганда эркаклар ўзларини уй бошлиғи, рўзғор сардори деб ўйлайдилар.Чиндан ҳам шундай, лекин уларнинг юки аёлларникичалик борми?! Йўқ, албатта.

Йигирма беш йилдан буён суд маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келаман. Шу туфайли кўп хонадонларда бўлганман. Кўп аёллар, кўп оналар билан суҳбатлашганман. Масалан, касби шофёр бўлган бир йигитнинг ичкиликка ружу қўйганидан фиғони фалакка етган аёлга сабр берганман. У тўртта боласи билан судга эридан ажралиши ҳақида ариза берди. Мен аёлга сабр қилишни маслаҳат бердим, эри ичкиликни ташлашига ишонтирмоқчи бўлдим. Бунга қўниқўшнилари ҳам аралашди. Буни қарангки, йигит инсофга

● Одобнома

кириб, ўзини қўлга олди. Инсоф берса ҳеч ғап эмас экан. Мана энди биноийдек яшашяпти. Оз бўлмаса... Айтмоқчиманки, оила масъулиятини эр ҳам, хотин ҳам бирдек ҳис этсагина оила фаровон бўлади.

М. МУХТОРОВ.
Сиёб районидаги Хожи Абдулазиз номли маҳалла комитети раиси.

АЁЛ БОР ЖОЙДА

● Ҳақиқатини айтганда, аёлларга нисбатан биз эркаклар юқори савияда, улар кутган даражада, айтиш мумкинки эришишимиз лозим бўлган муомалада бўлолмаяпмиз. Газетангизда босилаётган «Халқ аёлдан бошланади» рукни остидаги аксари мақолалар худди шу ҳақда. Эзгу мақсадларга жонини фидо этаётган аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини яна бир поғона оширади.

Шахсий кузатишларимдан шуни ўқдимки, қаерда, қайси жамоада хотин-қизлардан фаоллар бўлса, ўша жойда файзу-тароват, ўзаро ҳурмат, юксак интизом ва озодалик бор.

Агар яқин ўтмишга бир назар ташлайдиган бўлсак, биз мустамлакалигимизни унутиб, «коммунизм сари олға!» дея бонг урган давримизда ҳокисор аёлларимизнинг ҳам исёни жунбушга келганди. Уларнинг оҳу-нолаларини, дарду-ҳасратларини тинглайдиган зот топилмади чоғи. Ана шунда улар чора сифатида ўзларини ёқдилар. Афсуски, уларни тўғри тушунадиган мард топилмади. «Уйда низо чиқибди». «Эрига кўнгилсиз экан», «Руҳий касал эди» каби уйдирмалар марҳуманинг ҳақиқий ўлими сабабларини кўпчилик тушунаолмас даражада мавҳум қилиб кўярди.

Иншооллоҳ, энди қулликни қарғаб, озодлик учун, эрк учун қурбон бўлганларнинг руҳи доим шод бўлсин деймиз. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда оналаримиз, опа-сингилларимизнинг тутган йўли ва мавқеи, тажрибаси янада ортиб, такомиллашиб бораверсин.

Сафар ОЛЛОЁР ХУШБОҚ ўғли.
Тошкент шаҳри.

● МУРОД ҲОСИЛ

САФАРГА БОРМАГАН ҲОЖИЛАР

— Хокан қишлоғида саҳоватли кишилар кўп, — дейди Андижон район ҳокими Машариф Юсупов, — Уларни ўхшатиб мақтай олмасам ҳам, қишлоқнинг Бўривой маҳалласида яшайдиган бир мўътабар отахон ҳақида, унинг ҳиммати баланд фарзандлари ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Ҳалил отанинг ёши саксонда, суяги меҳнатда қотган, дини-исломни яхши билади. Тўй-маъракаларда даврани тўрида ўтиради. Қўли очиқ, бағри кенг одам. У олти фарзандни ҳам шу руҳда тарбиялади.

Бир куни отанинг катта ўғли Ғуломжон Халилов менинг ҳузуримга келиб:

— Биз падарибузрукворимизни муқаддас ҳаж сафарига юбориш ниятида пул тўплаган эдик. Лекин қари кишини узоққа юборишга кўнглимиз чопмади. Отам ва ака-укалар маслаҳатлашиб, ҳажга аталган пулга маҳалламиз болалари учун боғча қуриб беришга қарор қилдик...

Район ҳокимияти бу ташаббусни маъқуллади ва боғча қуриш учун ер ажратиб берди. Халил отанинг тўнғич ўғли Ғуломжон қурувчи. У укаларини ёнига олиб, қисқа вақт ичида 50 ўринли боғчани қуриб битказди ва уни ҳаж мавсуми кунлари фойдаланишга топширди. Боғчада кичкинтойлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Янги қурилган бинонинг пештоқига Ғуломжон Халилов номли болалар боғчаси, деб ёзиб қўйилди...

Бундан анча илгари балиқчилик Лолахон Ёқубова ҳам ҳаж сафарига аталган жамғармасини ўғлини уйлантиролмаётган, қизини турмушга узатишга қийналаётган 63 хонадонга бўлиб берган эди...

Бугунги танглик шароитида эл-юрт ташвиши билан яшаётган бу кишилар катта савобга эга бўлдилар. Қуръони каримда айтилишича, ҳажга аталган жамғармасини бева-бечоралар, етим-есирларга садақа килган кишилар ҳам ҳожи ҳисобланадилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● МУСТАҚИЛЛИК КУРТАКЛАРИ

ОБУНА ПУЛИ ҚАЕРДА ҚОЛДИ?

Мен Америқода яшайман. Ўзбеклар тили, тарихи, адабиёти, иқтисодиёти масалалари билан шуғулланаман. Шу сабабли республикангизда чиқадиган рўзнома ва ойномаларга ёзилганман. 1992 йилги «Ўзбекистон овози» учун 170 долларни (сизлардаги пулда тахминан 20000 сўм) обуна учун тўлаганман. Лекин бу нашрларни кеч оламан ёки айрим сонларини умуман олганим йўқ. Бу ҳақда рўзнома таҳририяти аъзоларидан ҳам аниқ жавоб ола олмадим. Ўзбекистон мустақилликка эришган бир пайтда энди обуна пули бевосита жумҳуриятингиз ҳисобига тушиши керак. У илгаригидек Москвада қолиши мумкин эмас. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда шу пуллар рўзнома ҳисобига келиб тушса, мақсадга мувофиқ бўлар, биз обуначилар эса рўзномани ўз вақтида олар эдик.

Вильям ФИРМАН,
АҚШ Индиана университети профессори.

● **ТАҲРИРИЯТДАН: Индиана университети профессори Вильям Фирман шу кунларда Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Унинг хатини ўқиганимиздан кейин бизда ҳам рўзномамиз обунаси учун тўланган доллар қаерда экан, деган ҳақли савол туғилди. Дарҳол Республика матбуот тарқатиш бошқармаси билан боғландик. У ердан тушинтириш бериш-ларига қараганда ҳозирга қадар бу иш билан Москвадаги халқаро китоб савдоси идораси шуғулланиб келган. У йил бошида Ўзбекистонда нашр этиладиган газета ва журналлар учун бир йўла буюртма бериб, олган маҳсулотларини ўз имконияти бўйича тарқатиб келган. Лекин бу идора газета ва журналларимиз ҳамда китобларимизни сотишдан қанча даромад кўриши ҳақида бизга маълумотлар тақдим этмаган.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейин бундай муаммога биринчи бор дуч келинмоқда. Афтидан матбаа маҳсулотларимизни хорижий эллардаги мушторийларга етказиш билан шуғулланадиган махсус идорани очиш пайти келган кўринади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

БУХОРО ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ
1992—1993 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

1. 1205 — Ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
2. 2810 — Тикув технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
3. 2204 — Электрон ҳисоблаш машиналари ва ҳисоблаш техникаларини программалаштириш бўлими бўйича техник операторлар тайёрлайди. Кундузги бўлимда ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.

СИРТҚИ БЎЛИМГА

1. 1205 — Ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
2. 3113 — Қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича техник-механик ва ишлаб чиқариш устаси.
3. 2810 — Тикув технологияси ва ишлаб чиқариш устаси
4. 2903 — Бинолар, иншоотлар қурилиши ва уларни эксплуатация қилиш бўйича техник қурувчи ва ишлаб чиқариш устаси тайёрлайди. Сиртқи бўлимда ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.

Кундузги бўлимга ўқишга қабул қилинган ўқувчиларга стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, бепул кийим-бош берилади, қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. Математика — оғзаки.
2. Она тили ва адабиёти — диктант.
3. Танланган касби бўйича синов имтиҳони.

Кундузги бўлимга ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга ҳужжатлар 16 июлгача қабул қилинади.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши шарт:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси).
3. Соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома (086/У формаси).
4. 3×4 сантиметр катталикдаги 6 дона фотосурат.
5. Халқ таълими бошқармаси ва билим юртларидан йўлланма.
6. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизматдан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.
7. Сиртқи бўлимга кирувчилар учун юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари меҳнат дафтарчасидан кўчирма лозим.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: 705004. Бухоро шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 9-уй.

Телефонлар: 5-81-08, 5-81-11, 5-59-55.

1-, 3-, 5-, 10-, 16-автобуслар ва 1-троллейбуснинг ЦУМ бекати.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА

исталган тип ва навдаги пахтангизни СОТИБ БЕРАМИЗ ҳамда ОЛИБ БЕРАМИЗ. Республикадан ташқарига чиқариш учун руҳсат олишга КЎМАКЛАШАМИЗ.

Бизнинг телефон: (3712) 39-11-10.
Телефакс 33-72-58

"ДЭЛОС"

ФАРҒОНА АГРОИХТИСОСРЕМОНТ БИРЛАШМАСИ ҚЎҚОН МОТОР — РЕМОНТ ЗАВОДИ

ремонт учун топширилган А-01М, СМД-72, СМД-62 дизел двигателларининг буюртмаларини 1 июлдан 1 августга қадар ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗАДИ

Кўрсатилган муддатда тасдиқдан ўтмаган буюртмалар бекор қилинади.

МАЪМУРИЯТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
1992-93 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ТЕХНИКУМ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

В. А. БИЛБАС НОМЛИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ (М. ГОРЬКИЙ КУЧАСИ, 41-УЙ).

КУНДУЗГИ БЎЛИМИ: Автоматлаштирилган тармоқларни ишлатиш; Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

СИРТҚИ БЎЛИМИ: Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

В. ПОСЛАВСКИЙ НОМЛИ АНДИЖОН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, МАРҲАМАТ ШАҲАР, СОВЕТ КУЧАСИ, 1-УЙ).

КУНДУЗГИ БЎЛИМИ: Автоматлаштирилган тармоқларни ишлатиш; Гидротехник қурилиши; Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

СИРТҚИ БЎЛИМИ: Гидротехник қурилиши; Гидромелиорация, Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш; Автоматлаштирилган тармоқларни ишлатиш;

САМАРҚАНД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ (САМАРҚАНД ШАҲАР, СЕВАСТОПОЛЬ КУЧАСИ, 63-УЙ).

КУНДУЗГИ БЎЛИМИ: Гидротехник қурилиши; Сув чиқариш, сув билан таъминлаш тармоқларини ишлатиш; Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

СИРТҚИ БЎЛИМИ: Гидротехник қурилиши, Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

Р. ОЛИМОВ НОМЛИ СУРХОНДАРЁ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ, ҚУМҚУРҒОН ШАҲАР, СТАДИОН КУЧАСИ, 20-УЙ).

КУНДУЗГИ БЎЛИМИ: Хўжалик фаолиятида ҳисоб-китоб назорат ва таҳлил. Автомобиль ва двигателларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш; Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

СИРТҚИ БЎЛИМИ: Хўжалик фаолиятида ҳисоб-китоб, назорат ва таҳлил, Гидромелиорация, Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

М. ВАПОЕВ НОМЛИ УРГАНЧ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ, УРГАНЧ ШАҲАР, ГУРЛАН КУЧАСИ, 1-УЙ).

КУНДУЗГИ БЎЛИМИ: Гидротехник қурилиши, Сув чиқариш, сув билан таъминлаш тармоқларини ишлатиш; Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

СИРТҚИ БЎЛИМИ: Гидромелиорация; Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш;

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрта маҳсус ўқув юртларига умумий таълим мактаби ҳажмида асосий ёки ўрта маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қабул учун керакли ҳужжатларни ўзлари кираётган ўқув юртининг қабул комиссиясига топширадилар.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати:
Кундузги бўлимга — 1 июлдан 15 августгача.
Сиртқи бўлимга — 10 октябрдан 30 ноябргача.
Имтиҳонларни қабул қилиш муддати:
Кундузги бўлим — 1 августдан 20 августгача.
Сиртқи бўлим — 1 декабрдан 20 декабргача.

Сиртқи бўлимнинг «Гидротехник қурилиши», «Хўжалик фаолиятида ҳисоб-китоб, назорат ва таҳлил, «Автомобиль двигателларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш» мутахассисликларига кирувчилар ҳужжатларни ва кириш имтиҳонларини кундузги бўлимга кўрсатилган муддатда топширадилар.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш кундузги бўлимга 20 августдан, сиртқи бўлимга 20 декабрдан ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

математика — оғзаки;
она тили ва адабиёт — ёзма (диктант).

Сиртқи бўлимга кирувчилар битта математика фанидан оғзаки имтиҳон топширадилар.

Ҳамма техникумларда ўқишга кирувчилаар кириш имтиҳонларини ўзбек тили — Ўзбекистон Республикаси давлат тилида ёки рус тилида топширадилар.

Кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
— Ўқув юртининг директори номига ариза;
— маълумоти ҳақида ҳужжат (асли).
— Меҳнат дафтаридан кўчирма.
— 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
— 3×4 ҳажмдаги 6 та сурат.
— Паспорт (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома), ҳарбий хизматга бўлган муносабат тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Ўрта Чирчиқ район кенгашининг иккинчи котиби С. Абдуллаевга отаси

Убайдулла АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари институти жамоаси хўжалик ишлар проректори Н. И. Ихсановга отаси

Исабой ИХСОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Сайр ва саёҳат Ўзбекистон жумҳурият кенгаши «Жиззах-сайёҳ» сайр ва саёҳат комплекси директори А. А. Алимовга онаси

Бодом ЭОКИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш ижара корхонаси жамоаси Тошкент шаҳар ҳокимияти меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш Бош бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ ноиби С. К. Саидкаримовга отаси

Саидкарим АКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари). В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
Буюртма № Г — 127.
№ 130.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 01.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.